



**ЎЗКИМЁСАНОАТ**  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

2025 йил 19-июл

## Ички аудит хизмати



**Алимова Зилия Тахирджановна**

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти Ички аудит хизмати бошлиғи

Телефон рақами: [+998781407468](tel:+998781407468)

Электрон почта манзили: [z.alimova@uks.uz](mailto:z.alimova@uks.uz)

### Меҳнат фаолияти

2020-у. - ҳ.в. "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти Ички аудит хизмати бошлиғи

### Вазифалари

- Жамият Кузатув кенгашини ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудитнинг амалга оширилиши натижалари бўйича Жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш;
- Ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан Жамият бошқарувига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш;
- Ҳар йили Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган режага мувофиқ

тегишли текширишлар ўтказиш йўли билан ички аудитни амалга ошириш (ҳар чоракда ва ҳисобот йили якунлари бўйича);

- Жамият томонидан тузиладиган ҳўжалик шартномаларининг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказиш;
- Бухгалтерия ҳисобини юритишда ва молиявий ҳисоботни тузишда Жамиятга методик ёрдам бериш, уларга молия, солиқ, банк қонунлари ва бошқа қонунчилик масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;
- Техник топшириқларни ишлаб чиқишда, ташқи аудиторлик ташкилотларининг таклифларини баҳолашда ҳамда аудиторлик ва баҳоловчи текширишларини ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлашда тавсияларни тайёрлашда Жамиятнинг Кузатув кенгашига ва Бошқарувига кўмаклашиш;
- Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини мониторинг қилиш;
- Бўлажак йирик битим, Жамиятнинг аффиланган шахси билан битим ёки Жамиятнинг аффиланган шахси билан йирик битимни ўрганиш ва тавсия бериш;
- Корхонанинг шуъба ҳўжалик жамиятлари ички аудит хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш ва заруратга қараб уларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини назорат қилиш.

**source:**

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/company/department/ichki-audit-xizmati>